

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУБАЕВ АЗИЗ САЙДАЛИМОВИЧ

**ЮЗ ЖАҒ СОҲАСИ ЎСМАЛАРИ БИЛАН БЕМОЛЛАРНИ
ТАШҲИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИОН ТАДБИРЛАРНИ
РЕЖАЛАШТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2023 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Кубаев Азиз Сайдалимович

Юз жағ соҳаси ўсмалари билан беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга тизимли ёндашув 3

Кубаев Азиз Сайдалимович

Системный подход к диагностике, лечению и планированию реабилитационных мероприятий больным с новообразованиями челюстно-лицевой области..... 31

Kubaev Aziz Saydalimovich

Comprehensive approach to planning diagnostic, therapeutic and rehabilitation measures in the treatment of patients with maxillofacial tumors..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУБАЕВ АЗИЗ САЙДАЛИМОВИЧ

**ЮЗ ЖАҒ СОҲАСИ ЎСМАЛАРИ БИЛАН БЕМОЛЛАРНИ
ТАШҲИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА РЕАБИЛИТАЦИОН ТАДБИРЛАРНИ
РЕЖАЛАШТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2023 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib570 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ризаев Жасур Алимджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Иорданишвили Андрей Константинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси).

Бакиев Бахтияр Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қирғиз Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Tokai Central Hospital (Япония)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc 04/05.2020.Tib.102.02** рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси, 18. Тел./факс: (99866) 233 –07– 66)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси, 18. Тел./факс:(99866) 233 –07– 66)

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Г.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раисининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси автореферати (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юз-жағ соҳаси ўсмалари (ЮЖСЎ) бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва комплекс реабилитация қилиш замонавий стоматологиянинг тиббий ва ижтимоий муаммолари тарзида намоён бўлади. Ихтисослашган стоматологик ёрдам соҳасида комплекс реабилитация чоралари даволаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки ЮЖСЎ беморларда хаёт сифатининг (ҲС) ва ижтимоий мослашувнинг пасайишига, ҳамда чуқур психологик муаммоларга олиб келади. Атроф-муҳитнинг замонавий ҳолати, экологиянинг ёмонлашуви, урбанизация, аҳолининг қариши инсон популяцияси саломатлиги кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди, бу онкологик касалликлари, шу жумладан бош ва бўйин ўсмаларининг кўпайишига олиб келади. Бу жараён замонавий тиббий-стоматологик ёрдамнинг долзарб муаммоси бўлиб, мазкур патологияни ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш заруриятини белгилайди.

Дунёда ўтказилаётган тадқиқотлар асосан муаммонинг жарроҳлик жиҳатларини қамраб олади, беморларнинг кейинги ортопедик, косметик ва реконструктив реабилитацияси билан боғлиқ клиник ва ташкилий масалалар эса кам ўрганилган. Юз-жағ жарроҳлари ва ортопед-стоматологлар фаолиятида тикланиш, текшириш ва даволаш тадбирлари босқичларининг кетма-кетлиги ва аниқлигининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, замонавий ортопедик стоматология ютуқларидан хабардорликнинг камлиги албатта салбий рол ўйнайди. Стоматологияда замонавий биоматериаллар билан ишлаш ва юз-жағ протезлари дизайнини оптималлаштиришнинг замонавий имкониятлари қўллаш тўлиқ амалга оширилмаяпти, бу эса ушбу мураккаб клиник-ташкилий тадқиқотнинг зарурати ва долзарблигини белгилайди.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни, жумладан стоматологик хизмат сифатини тубдан яхшилаш, жаҳон андозалари талабларига етказиш борасида кенг қамровли дастурий ва мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, бугунги кунга келиб, жумладан жарроҳлик стоматологиясида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ўз навбатида ЮЖСЎ бўлган беморларда реабилитация самарадорлигини ошириш, ихтисослаштирилган ёрдамни ташкил этишнинг самарали ишлайдиган тизимини яратиш каби устувор йўналишларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

стратегияси тўғрисидаги», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2020-йил 7 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Инновацион фаолият тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2020 йил 19 июнда Сенат томонидан маъқулланган, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Юз жағ соҳаси ўсмалари билан беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Qingdao University (Хитой), Warszawski Uniwersytet Medyczny (Польша), Seoul National University, Yonsei University (Жанубий Корея), The Nippon Dental University (Япония), University of Ferrara, University of L'Aquila, University of Brescia (Италия), Universidad de Antioquia (Колумбия), University of Manchester (Англия), University of Kansas, Boston University (АҚШ); Universidad de Antioquia, Medellin (Колумбия); RIKEN BioResource Center (Япония); University of Edinburgh (Англия); South Korea University (Жанубий Корея); Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); University of Amsterdam, The Netherlands University (Голландия); University of Western Australia (Австралия); Cairo University (Миср); Белоруссия давлат тиббиёт университет (Белоруссия); Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университетида (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Юз жағ соҳаси ўсмалари билан беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга тизимли ёндашув бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги ижобий натижалар олинган: микроорганизмларни аниқлашни янги индикация усули ишлаб чиқилиб, онкологик ўчоқда авваллари учрамаган бактерия турлари аниқланган (RIKEN Bio Resource Center, Япония); онкологик тўқималар микрофлораси типик ва нотипик турларга ажратилган (Boston University,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pku.edu.cn, www.qdu.edu.cn, www.cgu.edu.tw, www.usj.edu.lb, www.umed.wroc.pl, www.ku.dk, www.snu.ac.kr, www.yonsei.ac.kr, www.ngt.ndu.ac.jp, www.unife.it, www.univaq.it, www.unibs.it, www.udea.edu.co, www.otago.ac.nz, www.iau.ac.ir, www.manchester.ac.uk, www.sydney.edu.au, www.cu.edu.eg; www.uftrj.br; www.uva.nl; www.portal.estacio.br; www.uwa.edu.au; www.unesp.br; www.khu.ac.kr, www.tmu.edu.tw; www.tsd.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди..

АҚШ); юқори жағнинг орттирилган нуқсонлари бўлган беморларнинг жарроҳлик стоматологик даволаш натижалари асосида жағ протезининг конструкциясини маълум бир клиник вазиятдан келиб чиққан ҳолда танлаш мезонлари таклиф қилинган. Ўз ичига диагностик тадбирлар кетма-кетлигини ва жарроҳлик даволаш босқичларини олган, юқори жағни комплекс даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Qingdao University, Хитой); периодонтитда полибактериал флора мавжудлиги исботланган (Белоруссия давлат тиббиёт университети, Белорусия); операциядан кейинги нуқсон ва деформацияларни ўчоғидаги микрофлорани молекуляр усуллар билан аниқлаш лозимлиги, тўқималардаги инфекция келиб чиқишини (этиологияси) анъанавий усулларда аниқлаб бўлмаслигини кўрсатган (Warszawski Uniwersytet Medyczny, Польша).

Жахонда юз жағ соҳаси хавфсиз ўсмалари билан беморларнинг клиник-диагностикаси асослари, даволашни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан кўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: патологик жараённи юқори самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш; ЮЖСЎ асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 «Инфекцион ва ноинфекцион этиологияли одамнинг ижтимоий аҳамиятли касалликларини олдини олиш, ташҳислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2019–2023 йй.) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юз-жағ соҳаси ўсмалари бўлган беморларда ташҳислаш, даволаш ва реабилитацияни режалаштиришни стереолитик моделлар асосидаги эндопротезлар қўллаш орқали такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮЖС ўсмалари бўлган беморларда юз-жағ тизимининг патологиясини ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

ЮЖС ўсмалари бўлган беморларнинг мурожаати ва уларнинг стоматологик ёрдамга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш;

ЮЖС ўсмалари бўлган беморларда ҲСни ўрганиш ва чайнаш мушакларининг функционал ҳолатини баҳолаш билан электромиографик мониторингдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш;

аномалиянинг турини, деформациянинг ва режалаштирилган жарроҳлик аралашувининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда деформациялари бўлган беморларнинг жарроҳлик аралашуви техникасини такомиллаштириш;

стереолитик моделлар асосида индивидуал ишлаб чиқарилган эндопротезлар ёрдамида тиш-жағ-юз нуқсонлари ва деформациялари бўлган беморларни комплекс даволаш сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

тиш-жағ тизимининг нуқсонлари ва деформациялари бўлган беморларни комплекс реабилитация қилишни режалаштиришга оқилона ёндашувни такомиллаштириш;

операциядан кейинги даврда беморларда такомиллаштирилган дастур самарадорлигини ва беморлар психосоциал ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббий реабилитация мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт университети юз-жағ жарроҳлиги кафедрасида 2017-2023 йилларда ортопедик ва жарроҳлик ёрдами кўрсатилган юз-жағ соҳаси кўшма (суяк-юмшоқ тўқималар) нуқсонлари бор 129 та бемор (шундан 54 та бемор ретроспектив таҳлил қилинган, 75 та бемор текширилган ва даволанган) олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори ва пастки жағлар, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида рентгенологик (панорамали 3D, ортопантомограмма, КТ, МСКТ), антропометрик ўлчовлар (ташқи кўринишнинг олдинги ва ён томон фотосуратлари, операциядан олдинги стереолитографик моделлар, окклюзия ҳолати), клиник-лаборатор, функционал ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳаси ўсмалари бўлган беморларда юз-жағ нуқсонларнинг пайдо бўлиш сабабларининг частотасини урта репрезентатив ҳудудларда статистик тадқиқот натижалари асосида уларнинг учраш частотаси ёш ва жинсга боғлиқлиги аниқланган;

диагностик чоралар ва жарроҳлик даволаш босқичлари кетма-кетлигини ўз ичига олган, беморни тўлиқ реабилитациясини таъминловчи, юқори жағ нуқсонларини даволашни комплекс дастурлари ишлаб чиқилган;

юқори жағнинг субтотал нуқсонларини бартараф этиш учун икки босқичли жарроҳлик тактикасини қўллаш ва нуқсонни индивидуал 3D протезлари билан бирламчи ёпиш усули ишлаб чиқилган;

илк бор эксперт баҳолашлари асосида ва махсус услубий аппаратдан фойдаланган ҳолда замонавий шароитларда юз-жағ соҳаси ўсмалари бўлган беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилган;

жағни мураккаб протезлашда даволаш ускуналарини тайёрлаш учун ишлатиладиган асосий материалларнинг оғиз бўшлиғи микробиоценози ҳолатига таъсирини баҳолашнинг микробиологик тамойиллари шакллантирилган;

замонавий конструктив материаллар ёрдамида ортопедик аралашувнинг янги тиббий технологиялари, шунингдек, тиш-жағ протезларнинг такомиллаштирилган конструкциялари ва даволаш усуллари комплекси тақриф этилган ва амалиётга жорий этилган;

тишлари умуман бўлмаган беморларда турли даражадаги қаттиқлик ва эластикликка эга полиуретан ёки силикондан, шунингдек юмшоқ прокладкалардан тайёрланган обтураторлар синовдан ўтказилган;

компютер дастуридан фойдаланган ҳолда беморларнинг ҲСни ўрганиш орқали юз-жағ соҳаси ўсмалари бўлган беморларни ортопедик стоматологик реабилитация қилиш учун ишлаб чиқилган юқори протез-обтуратор

технологиялари ва дизайнларини клиник қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланган (электрон ресурсни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси №DGU 22924).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юз-жағ протезларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш бўйича олинган маълумотлар стоматологик ёрдам кўрсатиш ва беморларнинг ушбу контингентини реабилитация қилиш учун етарли тизимни режалаштириш ва шакллантириш имконини берган;

ихтисослашган стоматология муассасаларида даволашнинг жарроҳлик ва ортопедик босқичлари самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган клиник ва ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ЮЖСЎ бўлган беморларда комплекс реабилитация тизими (моделли) ишлаб чиқилган;

жағ протезларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган протез ва асосий структуравий ҳом ашёларнинг микроорганизмлар томонидан колонизацияланиши тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, протезлаш технологияларини оқилона танлаш имконини берадиган янги илмий ва амалий маълумотлар олинган;

шифохоналар, онкологик диспансерлар, юз-жағ соҳасида жарроҳлик аралашувлар ўтказувчи тузилмалар, протезлаш билан шуғулланувчи стоматология муассасаларининг биргаликдаги фаолиятини тартибга солишнинг илмий амалий асослари яратилган;

ЮЖСЎ бўлган беморларда реабилитациянинг турли босқичларида қўллаш учун олинган жағ протез-обтураторларнинг янги конструкциялари яратилган.

Тадқиқот натижаларинининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир бирини тўлдирувчи рентгенологик, ноинвазив, клиник-лаборатор ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ЮЖСЎ бўлган беморларда юз-жағ нуқсонларнинг пайдо бўлиш сабабларининг частотасини учта репрезентатив ҳудудларда статистик тадқиқот натижалари асосида ўрганилиб, уларнинг учраш частотаси ёш ва жинсга боғлиқлиги аниқланганлиги, ЮЖСЎ бўлган беморларга стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича чоратадбирларни стратификация қилиш амалга оширилганлиги, турли хил ўсмалар натижасида келиб чиққан юқори жағнинг орттирилган нуқсонлари бўлган беморларни реконструктив даволаш учун асосий материал танлашнинг микробиологик жиҳатлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ихтисослашган стоматология муассасаларида даволашнинг жарроҳлик ва ортопедик босқичлари самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган клиник ва

ижтимоий жиҳатлар асосида ЮЖСЎ бўлган беморларда комплекс реабилитация тизими (моделли) ишлаб чиқилганлиги, ЮЖСЎ бўлган беморларда реабилитациянинг турли босқичларида қўллаш учун олинган жағ протез-обтураторларнинг янги конструкциялари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юз жағ соҳаси ўсмалари билан беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга тизимли ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юз-жағ соҳаси деформациялари мавжуд беморларни жарроҳлик йўли билан даволашдан сўнг реабилитация қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Орттирилган жағ суяклари нуқсонлари бўлган беморлар турмуш сифати» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 31 майдаги 8н-р/566-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юз-жағ нуқсонларига эга беморларни жарроҳлик усули ёрдамида даволаш ва реабилитация қилиш имконини берган;

юз-жағ деформацияси аниқланган беморлардаги ортопедик мосламаларнинг хусусиятларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Юқори жағ нуқсонларида ортопедик мосламаларни клиник - микробиологик кўрсаткичлари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 31 майдаги 8н-р/567-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юқори жағ нуқсонларида беморлар қўлланиладиган ортопедик мосламаларнинг клиник - микробиологик кўрсаткичларини аниқлаш имкони берган;

юз-жағ нуқсонлари бўлган беморларни комплекс реабилитацияси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Юз-жағ нуқсонлари бўлган беморларни комплекс реабилитациясини такомиллаштириш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 31 майдаги 8н-р/568-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома орттирилган юз-жағ нуқсонлари мавжуд беморларни даволаш ва реабилитацияси самарадорлигини ошириш имконини берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси, Республика онкология ва радиология илмий-текшириш тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ва Тошкент шаҳар 7-сон шифохонаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8н-з/309-сон маълумотномаси). Олинган натижалар юз-жағ нуқсонлари бўлган беморларни комплекс реабилитациясини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш, беморлар турмуш сифатини яхшилаш, оқилона даволашни белгилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича 24 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари аниқ баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти етарлича очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Онкологик беморларда жағнинг нуқсонлари ва деформацияларини стоматологик даволашни такомиллаштириш (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, мавзуга оид хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги маълумотлар муҳокамаси келтирилган. Сўнгги йилларда юз-жағ соҳаси онкологик касалликлари билан касалланган беморлар сони сезиларли даражада ортди. Онкологик касалликлар сабабли юзага келадиган нуқсон ва деформацияларни олдини олиш чора-тадбирлари мукамал эмаслиги қайд этилган. Юз жағ соҳаси ўсмалари билан беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштиришга тизимли ёндашув доимий равишда стоматологлар ва юз-жағ жарроҳларининг диққат марказида бўлишига қарамай, чуқур ўрганишни талаб қиладиган кўплаб масалалар мавжудлиги таъкидланган.

Ташҳислаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилиши борасида муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Юқоридаги ҳолатлар юз-жағ соҳаси ўсмалари бўлган беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитацион тадбирларни режалаштириш муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва қўлланилган текширув усулларининг умумий таснифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг хусусиятлари, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминлаган биокимёвий, клиник-функционал тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлари келтирилган.

ЮЖСЎ бўлган беморларга стоматологик ёрдамни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун қуйидагилар ўрганилди:

2020-2023 йилларда учта худудда (Самарқанд, Бухоро ва Навои) клиник

ва ташкилий тадқиқот объектлари – бирламчи тиббий ҳужжатлар, ишлаб чиқилган эксперт баҳолаш сўровномасидан фойдаланган ҳолда ўтказилган: 100 нафар юз-жағ жарроҳлари ва ортопед стоматологлар (респондентлар) ўртасида социологик (ижтимоий) сўровнома натижалари, ЮЖСЎ бўлган 129 нафар бемор (шундан 54 та бемор ретроспектив таҳлил қилинди, 75 та бемор текширилган ва даволанган).

Тадқиқот материалларини тўплаш 2020 йилдан 2023 йилгача 3 йил давомида амалга оширилди. ЮЖСЎ бўлган беморларга клиник, стоматологик, функционал ва лабаратор текшурув усуллари утказилди. ЮЖСЎ бўлган беморларга стоматологик ёрдамни ташкил этиш муаммоларини ўрганиш учун ушбу тадқиқотда фойдаланилган услубий ёндашувлардан бири ижтимоий сўровнома бўлди. Ушбу усул ёрдамида юз-жағ жарроҳларининг сўрови ўтказилди. Аҳоли орасида ўрганилаётган патологиянинг намоён бўлиш интенсивлиги динамикасини баҳолаш ва тенденцияларни аниқлаш учун уч йиллик кузатув даври ўтказилди. Бу бизга умумлаштирилган миқдорий маълумотларни олиш ва уларни ўрганилаётган ҳудудлар ўртасида таққослаш имконини берди. Маълумотларни қайта ишлаш натижаларига кўра интенсив ва экстенсив коэффицентлар ва ўртача қийматлар ҳисоблаб чиқилди. Ёш-жинс тамойиллари, тузилмаси ва ўртача йиллик даражалари бўйича популяция даражасида ЮЖСЎ учраш частотасининг миқдорий даражалари аниқланди.

Статистик тадқиқотнинг навбатдаги босқичи рўйхатга олинганлар орасидан ЮЖСЎ бўлган беморларга стоматологик ёрдамга (юз-жағ соҳасида протезлаш) мурожаат қилиш ҳолатларининг частотасини ўрганиш эди.

1-гурӯх – “Фторакс” (ЗАО «Стома», Украина) билан “иссиқ” полимеризацияси - полиметилметакрилат пластмассасидан тайёрланган жағ протези ва обтуратори бўлган 25 нафар беморлардан иборат;

2-гурӯх – 20 нафар беморни ўз ичига олиб, улардаги жағ протезининг асоси “Фторакс” конструктив материалдан, обтуратор эса “RELINE Extra Soft” силиконидан тайёрланган (GC, Япония);

3-гурӯх – 24 нафар бемордан иборат бўдиб, уларда жағ протези асоси ва обтуратори “Денталур” маркали қаттиқ полиуретан («Денталур» ОАЖ, Россия)дан тайёрланган эди;

4-гурӯх – 22 нафар бемордан ташкил этилиб, уларда жағ протези асоси “Денталур” маркали қаттиқ полиуретандан, обтуратори эса эластик полиуретандан («Денталур» ОАЖ, Россия) тайёрланган;

Тадқиқот жараёнида юқори жағ нуқсонларига эга барча гуруҳдаги беморлар даволашдан олдин ва кейин ХС кўрсаткичи текширилди. (Кузатув муддати 12 ойгача) Жағларнинг онкологик нуқсонларига эга беморларнинг ҳаёт сифати жарроҳлик аралашувидан олдин ва кейин (12 ойдан сўнг) биз томонимиздан ишлаб чиқилган махсус компьютер дастури ёрдамида баҳоланди. ХС кўрсаткичлари қисқартирилган сўровнома асосида таҳлил қилинди ва бу маълумотларни қайта ишлаш жараёнини енгиллаштирди. Сўровнома қуйидаги шкалаларни ўз ичига олган:

1. Physical Functioning (PF) – жисмоний фаолият (ЖФ);
2. Role-Physical (RP) – бошқариш-жисмоний (БЖ) – жисмоний ҳолатни кундалик ҳаётга (иш, фаолият) таъсири;
3. Bodily Pain (BP) – танадаги оғриқ (ТО) – оғриқ интенсивлиги ва унинг кундалик фаолиятга таъсири;
4. General Health (GH) – саломатликнинг умумий ҳолати (СУХ) - саломатликнинг текширув вақтидаги умумий ҳолати;
5. Vitality (VT) – яшовчанлик қобилияти (ЯҚ);
6. Social Functioning (SF) – ижтимоий фаолият (ИФ) – ижтимоий фаоллик (мулоқот);
7. Role-Emotional (RE) – бошқарув-руҳий (БР) - ҳиссий ҳолатнинг фаолиятга таъсири;
8. Mental Health (MH) – руҳий саломатлик (РС) - руҳий саломатликни (депрессия, хавотирлик ҳисси, ҳиссий жиҳатлар) шахсан баҳолаш

Тадқиқотда ўрганилаётган хусусиятлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун Спирмен бўйича корреляция коэффицентлари ҳисоблаб чиқилди. Ишончлилик Фишера Стъюдент мезони ёрдамида баҳоланди.

Йиғилган тадқиқот материаллари стандарт дастурий маҳсулотлари ёрдамида шахсий компьютерда қайта ишланди. Компьютерда ишлов бериш ёрдамида олинган статистик маълумотлар махсус ишлаб чиқиш жадвалларида умумлаштирилди. Кейинчалик бу маълумотлар аналитик жадвалларга айлантирилди. Тадқиқот материалларини статистик қайта ишлашнинг навбатдаги босқичида нисбий (интенсив ва экстенсив коэффицентлар) ва ўртача қийматлар ҳисобланди.

Диссертациянинг **“Юз-жағ соҳаси нуқсонларининг ривожланиш сабабларини клиник-статистик таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ЮЖСЎга олиб келадиган сабаблар, уларни ортопедик ва жарроҳлик реабилитацияси учун текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ЮЖСЎнинг келиб чиқишига олиб келувчи асосий патогенез омиллари масалалари очиқ қолмоқда, шунингдек турли генездаги ЮЖС нуқсонларини тарқалувчанлик частотасини аниқлаш бўйича тавсиялар ҳам мавжуд эмас.

Ретроспектив таҳлил ва беморларни текшириш натижаларига мувофиқ, беморнинг юз-жағ соҳасида нуқсон мавжудлигида, уни жарроҳлик реабилитация қилиш имконияти ва шартларини аниқлай оладиган мутахассисларнинг маслаҳати туфайли асосий касалликнинг кечишини аниқ тахминлаш, профилактик чора тадбирларни самарадорлигини белгилаш мумкин. Шунингдек, муамога тизимли ёндашув (юз-жағ жарроҳи, реабилитолог, дефектолог, техник лаборант ва х.к.) турли хил юз-жағ протезларига бўлган эҳтиёж бўйича аниқ маълумотларни олиш имконини яратади, шу билан бирга бундай статистик маълумотларни ягона регистрини шакллантириш лозим, масалан, ҳудудий бирламчи мустақил стоматология муассасасида, келгусида ушбу маълумотлар юз-жағ протезлаш хизматларининг тахминий йиллик ҳажмини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Ушбу маълумотларнинг мавжудлиги натижасида керакли ҳажмда жарроҳлик стоматологик ёрдам кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш, мавжуд бўлган моддий ресурсларга оқилона муносабатда бўлиш мумкин булади.

Бугунги кунда мавжуд бўлган тиббий ҳужжатларни қайд этиш, ҳужжатларининг таҳлили биринчи навбатда ташкилий тавсифга эга бўлган чуқур муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда, бу кўрсатилаётган ихтисослаштирилган стоматологик ёрдамнинг, жумладан юз-жағ жарроҳлигининг самарадорлигини пасайишига олиб келмоқда.


Ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, биз ЮЖС нуқсонларини шаклланишининг этиопатогенетик омилларини батафсил таҳлилинини Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари стоматологик муассасалари фаолияти мисолида ўргандик - Самарқанд, Бухоро ва Навои вилоятларида. Клиник-статистик тадқиқотнинг объекти сифатида 2020 йилдан 2023 йилгача даврдаги бирламчи ҳисоб ҳужжатларидан маълумотлари хизмат қилди. Мазкур материаллар асосида ЮЖС нуқсонларининг ривожланиш сабаблари, ушбу патологияси бўлган беморларни учраш кўрсаткичлари аниқланди.

Ўсмалар билан боғлиқ ЮЖСН сабабларининг частотаси кўрсаткичининг энг паст даражалари биз томонимиздан 15-19 ва 20-29 ёш гуруҳларида қайд этилди. Бу гуруҳлардаги гендер фарқлари барча йилларда статистик аҳамиятга эга бўлди ($p > 0,05$). Бундан ташқари, ёш ўсиши билан кўрсаткичлар даражасининг ўсиши кузатилади. Масалан, 2020 йилда 30-39 ёш гуруҳида ҳар икки жинс учун кўрсаткич ушбу ёш гуруҳидаги аҳолининг 100 минг нафарига $22,0 \pm 3,15$ ҳолатни ташкил этди. 40-49 ёшда бу кўрсаткич мос равишда $41,0 \pm 4,96$ ҳолатни ташкил этди ва 46,3% га ошди. Бундан ташқари, ёш гуруҳларида кўрсаткич бироз тебранишлар ва жинслар бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятсиз фарқлар билан тахминан бир хил даражада қолмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, барча ёшдаги ўсмаларнинг частотаси, ЮЖСЎ сабаблари сифатида жинс бўйича ($p > 0,05$) фарқларида статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, шу билан бирга ёш гуруҳлари ўртасида умуман олганда сезиларли фарқлар мавжудлиги аниқланди ($p > 0,05$). Шу сабабли, кўрсаткичлардаги фарқлар уларнинг ёшга боғлиқлигини кўрсатади: ёш қанчалик катта бўлса, ўсмалар пайдо бўлиш хавфи шунчалик юқори бўлади.

Кўрсатилаётган ихтисослаштирилган стоматологик жарроҳлик ёрдамини йўлга қўйиш бўйича ташкилий тадбирларни ишлаб чиқишни мазкур тоифадаги беморлар, стоматологик ДПМларга мурожаатлар тўғрисида ҳаққоний ва ўз вақтидаги маълумотлар мавжуд бўлсагина амалга ошириш мумкин. Афсуски, бугунги кунда бундай беморларнинг статистик қайдномаси тўлиқ олиб борилмайди, лекин аксарият ДПМларда кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами рўйхати ва ҳажми маҳсус ҳужжатларда регламентланган, унда турли генездаги ЮЖС нуқсонларини оператив даволаш алгоритми батафсил ёритилган.

Мазкур муаммонинг батафсил тавсифномасини стоматологик муассасаларнинг турли бўғин мутахассислари орасида ўтказилган ижтимоий сўровнома беради, ушбу сўровномага бошқа мутахассислар ҳам жалб этилди.

Шифокорларга йилига ЮЖС нуқсонларини бартараф этиш бўйича кўрсатилган ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилган беморлар сони ҳақида савол берилди. Олинган маълумотлар, асосан, репрезентатив тусга эга расмий маълумотларда мавжуд бўлган, ушбу популяциядаги беморларни статистик маълумотларниқайд қилишдаги камчиликларни тўлдиришга кўмаклашади (1-2 расм).



1-расм. ЮЖСН бўлган беморларни йилига битта шифокор томонидан даволаш ҳолатларининг частотаси ҳақидаги саволга жавобларнинг тақсимланиши (%)

Мазкур гуруҳ беморларига ихтисослаштирилган стоматологик ёрдамни ва юз-жағ протезлашни ташкил этишдаги муаммоларнинг таҳлили 2-расмда.



2-расм. Шифокорларнинг фикрларига кўра ЮЖСН бўлган беморлар учун стоматологик ёрдамни ташкил этишдаги асосий муаммолар (100 та респондентга)

Шундай қилиб, ўтказилган социологик тадқиқот бугунги кунда мавжуд бўлган ЮЖСЎ бор беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолатидаги бир қатор муаммоларни аниқлашга имкон берди. Ушбу маълумотлар диссертация ишининг кейинги бобида акс этган муаммони чуқур ўрганиш, шунингдек, ЮЖСЎ бўлган беморларга стоматологик ёрдамни яхшилаш учун далилларга асосланган ёндашувларни ишлаб чиқишда кенг қўлланилди.

Диссертациянинг “**Юқори жағ нуқсонлари бўлган онкологик беморларнинг стоматологик реабилитациясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган микробиологик тадқиқотларнинг клиник-лаборатор натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида юқори жағ нуқсонлари бўлган онкологик беморларнинг стоматологик реабилитациясини оптималлаштириш бўйича ўтказилган микробиологик тадқиқотларнинг клиник-лаборатор натижалари келтирилган.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида микроб флораси таркиби ва протезларнинг (протез биоплёнкасининг) устки қавати ва obturatorлар туташган соҳадан микроблар контоминациясини ўргандик.

Ўтказилган тадқиқотлар, оғиз бўшлиғи микрофлораси энг стабиллаштирувчи турларининг полиакрилатдан тайёрланган протез конструкцияларини ташқи юзаларида колонизацияси учун катта қобилиятга эга эканини аниқлашга ёрдам берди. Бироқ, йирингли ва яллиғланишли жараёнларни кўллаб туришга қодир альфа-стрептококк, энтерококк, вирулент анаэроб ва аэроб бактерияларнинг ҳаддан зиёд кўпайгани сабабли, микробиоценознинг *Veillonella* ва *Corynebacterium* сингари элементлари сиқиб чиқариляпти.


Колонизация динамикаси шуни кўрсатдики, биринчи сутканинг якунида *Aggregatibacter actinomycetemcomitans*, *Tannerella forsythia*, *Fusobacterium nucleatum* ўсиш ўчоқларини шакллантиради. Бешинчи куни пигмент ҳосил қилувчи бактериоид ва фузобактерияларнинг штамлари аниқланади. Ўн бешинчи сутка охирида *Prevotella intermedia*, *Porphyromonas gingivalis*, *Fusobacterium nucleatum* бактериялари вакиллари сонининг сезиларли ўсиши қайд қилинди.

Шунингдек, *Candida* сингари замбуруғларда колонизация қилишнинг максимал даражаси (ўрганилган бошқа материалларга қиёсан) кузатилди. Улар 1-сутканинг ўзидаги 10³ кўрсаткичдан 5 ва 15-суткада тегишли равишда 10⁴ ва 10⁵ CFU/ml даражагача ўсиб борди ($p < 0,05$).

Молекуляр-биологик тадқиқотлар 1-қаторга мансуб бўлган пародонтопатоген турлар «Фторакс» полиакрил асосида тайёрланган жағ протезларига нисбатан юқори тропизмга эга эканини намоён қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Полиакрилатдан тайёрланган жағ протез-обтураторлардан фойдаланадиган беморларда пародонтопатоген турлар молекуляр белгиларнинг аниқланиш частотаси (n = 12)




Изоҳ:* маълумотларнинг аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада камайиши (p<0,05)

** маълумотларнинг бошланғич кўрсаткичларига (ёки аввалгиларига) нисбатан аҳамиятли даражада ўсиши (p<0,05)

Шиллиқ қаватнинг RELINE ExtraSoft (GC фирмаси, Япония) силиконидан тайёрланган обтураторларга туташ соҳасидаги микроб флораси ва протезларнинг (протез биоплёнкасининг) эгалланиш даражаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Акрил хомашёсидан тайёрланган тиш-жағ протез-обтураторларининг оғиз бўшлиғи микроб флорасининг муайян вакиллари томонидан колонизация қилиш бўйича ўтказилган бактериологик тадқиқотлар натижалари



Изоҳ: * маълумотларнинг аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада камайиши (p<0,05)


** маълумотларнинг бошланғич кўрсаткичлар ва аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада ўсиши (p<0,05)

Протезлашдан олдин ўтказилган молекуляр-биологик тадқиқотларда барча пародонтопатоген турларига оид бўлган белгиларни аниқладик, лекин

полиуритин асосдаги протезни ўрнатгандан 1 кун сўнгра биз ҳеч қайси турни аниқламадик. Кейинчалик 1-3 тур маркерлари аниқланди, аммо 5-кунга келиб бу кўрсаткич атиги 30% беморларни қамраб олди, охирида эса 40%ни (3-жадвал

3-жадвал

Силикондан тайёрланган жағ протез-обтураторлардан фойдаланадиган беморларда пародонтопатоген турлар молекуляр белгиларини аниқлаш частотаси (n=10)




Изоҳ: * маълумотларнинг аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада камайиши ($p < 0,05$)

** маълумотларнинг бошланғич кўрсаткичларга (ёки аввалгиларига) нисбатан аҳамиятли даражада ўсиши ($p < 0,05$)

Қаттиқ полиуретан асосидаги материаллардан маҳаллий ишлаб чиқилган обтураторли «Денталур» протезларининг микрофлорали колонизация динамикаси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


Қаттиқ полиуретандан тайёрланган тиш-жағ протез-обтураторларнинг колонизация қилиши бўйича ўтказилган бактериологик тадқиқот натижалари



Изох: * маълумотларнинг аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада камайиши ($p < 0,05$)

** маълумотларнинг бошланғич кўрсаткичлар ва аввалгиларига нисбатан аҳамиятли даражада ўсиши ($p < 0,05$).

Узоқ вақтгача биоплёнка таркибида миқдорий ўзгаришлар кузатилмаган вазиятларда уч ойгача давом этган қисқа даврли (полиуретанли «Денталур»га нисбатан) барқарорлик қайд қилинди. Лекин тадқиқотнинг 6 ва 12-ойларида *Staphylococcus* spp., *Klebsiella* spp. каби вирулент, *F.Nucleatum* сингари пародонтопатоген турлар, шунингдек, *Candida albicans* замбуруғлари томонидан колонизация жараёни яққол кузатилди. Бундай ҳоларда ярим йилдан кейин бутун конструкциянинг ҳолати сезиларли даражада ёмонлашган, атрофида шиллик қаватнинг катта эрозив соҳалари кузатилган (3-расм.).



3-расм Акрилатдан тайёрланган юқори жағ протез-обтураторининг 12 ой фойдаланилганидан кейинги ҳолати – бактерияларнинг яққол колонизацияси.

Назаримизда, «Денталур» қаттиқ полиуретандан тайёрланган тиш-жағ протез-обтураторларида биоплёнканинг узоқ вақт мобайнида ижобий ривожланиб бориши ва пародонтопатоген тур вакиллариининг нисбатан кам улушга эгаллиги ушбу полимернинг физикавий ва кимёвий хусусиятлари билан боғлиқдир.

Дисертациянинг “Онкологик касалликларидан сўнг жағ нуқсонлари бўлган беморларни операцияга тайёрлаш ва уларни даволаш” деб

номланган бешинчи бобда орттирилган юз-жағ нуқсонлари бўлган беморларни операцияга тайёрлаш ва операциядан кейинги реабилитация мажмуаси баён этилган.

Юз рельефининг мураккаблиги, суяк тузилмаларининг шакли ва жойлашувининг ўзига хослиги, трансплантатнинг асосий қисмини моделлаштириш учун операциядан олдинги стратегияни ишлаб чиқиш билан нуқсон ва донор соҳани операциядан олдин тўғри таҳлил қилишни талаб қилади.

Режалаштиришнинг куйидаги босқичлари амалга оширилди: юз скелетини сканерлаш, нуқсон параметрларини ўлчаш, трансплантат қийшиқлигининг топологияси, суяк фрагментининг керакли узунлиги ва кенлигидан келиб чиқиб трансплантат параметрларини ўлчаш. Кейин тикланаётган соҳанинг параметрлари “Volume Analysis” уч ўлчовли моделлаштириш дастурида олинган трансплантат параметрлари билан таққосланди. Остеотомия нуқталарини ҳисоблаш ҳар бир аниқ ҳолатда куйида тавсифланган усулларга мувофиқ амалга оширилди.


Юз скелети суяқларининг етишмаётган бўлақлари эгрилигининг зарур параметрлари аниқланган ва олинган бўлса, компьютер томографияси ёрдамида юқори жағ эгилишини қайта тиклаш учун «SYNICEM» суяк цементининг аниқ математик ҳисобларини амалга ошириш мумкин, юз скелетининг етишмаётган қисмини тўлиқ тиклаш учун мос келадиган оптимал шаклга келтириш учун параметрлар трансплантатнинг эгрилик параметрлари билан солиштирилди.

Моделни яратиш бўйича ҳисоблаш куйидагича амалга оширилди:

1) юз скелетининг етишмаётган суяк бўлагини моделлаштирилган ҳолда суяк фрагментининг ташқи эгрилиги бўйлаб лозим бўлган контур нуқтаси аниқланади;


2) худди шу тартибда протез эгрилиги бўйича контур нуқталар аниқланади. Айнан шу тарзда трансплантат соҳасидаги суякнинг эгрилигини тикловчи нуқталар белгиланади, бунда ташқи контурнинг бошланиши «SYNICEM» суяк цименти ёрдамида фиксацияланади;

3) ушбу суякнинг ташқи контур чизигининг сплайн-интерполяцияси реконструкция қилинаётган суяк бўлаги соҳасидаги маълум нуқталарда амалга оширилади (4-расм).



4-расм. Нуқсон ва трансплантат соҳасидаги эгрилик чизигини аниқлаш.


Албатта, режалаштириш учун трансплантатнинг оптимал ҳолатини ва чайнов мушакларини тиклашни инобатга олинади, балки микрохирургия коидалари доирасида ҳам амалга оширилади (5-расм).



5-расм. КТ - чайнов мушакларининг бириктирилишини кўрсатадиган тасвирлар.

А - тўлиқ юз; Б – чап томондан кўриниши.

Трансплантация, яъни оператив жараен ўтказилганидан сўнг, режалаштириладиган даволаш тадбирлари нерв-мушак фаолиятининг функционал етишмовчилигини тиклашга қаратилган бўлиши лозим, бунинг учун К7 тизими ёрдамида электромиография текшируви ўтказилиши керак. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, протезлашдан 3 ой ўтгач шикастланиш тарафдаги чайнов мушакларининг бирикиши ва биомеханиканинг ўзи маълум ўзгаришларга учради. Юмшоқ тўқималар компьютер томографияси кесимида, биз биринчи марта йил давомида ҳеч қандай тарзда фаолият кўрсатмаган ва суякка интраоператив равишда бириктирилган чайнов мушаклари ҳам трансплантат билан боғланганлигини кузатдик, шунингдек улар чайнов актига жалб этилганини аниқлаш мумкин (6-расм).




6-расм. 52. К 7 аппарати (А) ёрдамида текширув ўтказиш: трансплантациядан олдин ва кейин ЭМГ кўрсаткичлари. Пастки жағнинг патологик жойлашуви, бўйин умуртқаларининг ротацияси, окклюзияни бузилиши натижасида гипертонус фониди электромиостимуляцияга мушакларнинг яхши жавоб бериши (Б).


Нерв-мушак барқарорлигини назорат қилиш учун ортодонтик ҳамда миотропик даволаш ўтказдик, баъзи ҳолларда ботокс-терапиядан фойдаландик. Вестибулопластикани бажаришда шакллантирувчи тузилмалар ўрнатилади, чунки бириктирилган шиллик қават бўлмаса, шакллантирувчи тузилма шиллик қаватдаги имплантларга ўсиб киради.

Бизга бундай нуқсонлари бўлган 10та бемор мурожаат қилди. Биринчи босқичда биз «SYNICEM» суяк-цементи ердамида таерланган 3D протез ўрнатдик. Иккинчи босқичда суяк трансплантанти ёрдамида алвеоляр деворнинг керакли бўлган қалинлигини ҳосил бўлишига эришдик.

